

УЎК 94(575.171)

**ЦАРЕВИЧ АЛЕКСЕЙ НОМИДАГИ ХИВА КАСАЛХОНАСИ
(А.БОЛТАЕВ МАТЕРИАЛЛАРИДА)**

Д.Ш.Ражабова, Хоразм Маъмун академияси, кичик илмий ходим

Аннотация: Ушбу мақолада Хива хонлигида 1912 йилда, шахзода Алексей номига қурилган касалхонада иш фаолияти олиб борган шифокорлар Алексей Фёдорович Анисимов ва Гулсун Асфандиярова билан Хива хонлиги Вазири акабарлари ўртасида тузилган икки томонилама шартнома ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу шартнома Абдулла Болтаев томонидан №35 дафтарига аслидан кўчириб ёзилган.

Kalit so‘zlar: Хива касалхонаси, шахзода Алексей, А.Ф.Анисимов, Г.Асфандиярова, Ислон хўжа, Абду Салом хўжа, А.Болтаев.

Аннотация: В данной статье представлено двустороннее соглашение между визирями Хивинского ханства и врачами Алексеем Федоровичем Анисимовым и Гульсун Асфандияровой, работавшими в больнице имени царевича Алексея, построенного в Хивинском ханстве в 1912 году. Этот договор с подданныка был переписан Абдуллой Болтаевым в его тетрадь №35.

Ключевые слова: Хивинская больница, царевич Алексей, А.Ф.Анисимов, Г.Асфандиярова, Ислам Ходжа, Абду Салом Ходжа, А. Болтаев.

Annotation: This article presents a bilateral agreement between the viziers of the Khiva Khanate and doctors Alexei Fyodorovich Anisimov and Gulsun Asfandiarova, who worked in the hospital named after Tsarevich Alexei, built in the Khiva Khanate in 1912. This contract from the original was transcribed by Abdulla Boltaev in his notebook No. 35.

Key words: Khiva hospital, Tsarevich Alexei, A.F.Anisimov, G.Asfandiyarova, Islam Khoja, Abdu Salom Khoja, A. Boltaev.

Хоразм воҳаси ўзининг бетакроп ва бой тарихига эга. Жумладан XI асрда Хоразм Маъмун академиясида фаолият юргизган табобат соҳасининг буюк вакиллари Абу Сахл Масихий, Абу Али ибн Сино, XII аср табиблари Исмоил Журжоний, Фахриддин Розий, Умар Чағминий, XVII аср йирик табиби ва хукмдор Абулғозий Баҳодирхон каби кўплаб бошка алломаларнинг табобатга оид кўлёмалари бизгача етиб келган. Уларнинг асарлари табибларнинг янги вакиллари тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хива меъморий қиёфасида XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг 20-йилларигача муайян ўзгаришлар содир бўлди. Россия империяси протекторати ўрнатилганидан сўнг бевосита янги тарихий воқелик иштирокчисига айланган

хонлик аҳолисининг ҳаётига амбулатория, дорихона, рус-тузем мактаби, шифохона, почта, телефон, телеграф кабилар кириб келди. Улар учун қурилган бинолар шаҳар меъморий қиёфасини маълум ўзгаришларга олиб келди.

Ҳукмдорлар саройлари, уй-жойларни бунёд этишда анъанавий маҳаллий қурилиш услублари билан бир қаторда европача услублар ҳам қўлланила бошланди. Шу тариқа шаҳарнинг меъморий қиёфасида ўзгаришлар кузатила борди [1].

Шаҳзода Алексей номидаги Хива касалхонаси 1912 йил охирида очилган. Уни 1907 йилда Москва университетининг тиббиёт факультетини тамомлаган ёш шифокор А.Ф.Анисимов бошқарган. Қисқа вақт ичида, жиддий қийинчиликларга қарамай, у касалхонани тажрибали, Россиянинг турли минтақаларидан таклиф қилинган мутахассислар билан таъминлашга муваффақ бўлди [2].

Шифохона бепул иш бошлагани боис, дастлабки уч ойда беморлар сони ортиб борган. 1913 йилнинг октябрида 1574 эркак ва 1162 аёл, ноябрь ойида 2232 эркак ҳамда 1976 аёл, декабрь ойида эса 2353 эркак ва 1609 нафар аёл шифокорлар қабулида бўлиб даволанган. 1914 йилнинг 1 январидан шифохона пуллик қилингани сабаб, аста секин мурожаат қилувчилар сони камая бошлайди. Январь ойида 2 724 бемор шифокорлар кўригидан ўтган [3].

XX аср бошида Вазири Акбар Саййид Ислон Хўжанинг ташаббуси ва ҳукмдор Саййид Исфандиёрхоннинг буйруғи билан битказилган Хастахона (Касалхона) маҳаллий ва европа меъморчилиги анъаналарининг уйғунлигида қурилди. Исфандиёрхон кўҳна қалъанинг шимолий томонидаги вайрона бўлиб ётган ерларни обод қилиб, уни Тоза Хивақ номи билан аташга фармон берди. Отажон девонга Дешон қалъанинг Урганч дарвозаси деб аталадиган орқа (шимолий) дарвозасини йикдириб, ўрнига Қўш дарвоза қурдиришни буюрди. Яна шу дарвоза яқинида йўл устида бир тилгирамхона бино қилмоқни Отажон девонга, унинг шарқ томонида бир ғоят катта доруш-шифо қурдиришни Раҳимберганга буюрди. Исфандиёрхон халқим узок яқинидан хабар олишни истаса тилгирамхонадан фойдалансин, беморлар турк табибларига пул харж қилмай янги касалхонада шифо топгайлар, деб ният қилди, 1911 йил ёзида Петербургда рус подшоси билан учрашган Ислон хўжа ва Исфандиёрхонлар почта ва касалхона лойиҳасини чизиб берадиган одамни сўрадилар. Подшо уларни Москва шаҳрининг хокими Н.И.Гучков ёнига йўллайди. Гучков Ислон хўжани архитектор А.М.Рооп билан таништиради. Хивалик қарияларнинг сўзига караганда, бу оқсоқ архитектор Хивага келган ва Муҳаммад Карим Неъматулла ўғли билан ҳамкорликда Почта, касалхона ва Нуруллабой саройининг лойиҳасини тузганлар [4].

Абдулла Болтаевнинг №35 дафтардан:

Хивадаги касалхонадаги бош доктори Алексей Фёдорович Анисимов билан Хива хонлигининг бош амалдори Вазир ул акбар Сайид Ислон хўжа Иброҳим хўжа ўғлини ўрталарида тузилган шартномани аслидин нусха.

Шартнома

Ул аъзам император хазратларининг валиаҳди улуғ князь шаҳзода Алексей Николаевичнинг исмига Хива қалъасида бино бўлган касалхонада хизмат қилмоқ учун 1913 инчи йили июль ойининг олтинчи куни ушбу шартнома жаноб олий хон хазратимизнинг амри олийлариға мувофиқ бир тарафи Хива ҳукуматининг бош амалдори Вазир ул акбар Сайид Ислон хўжа Иброҳим хўжа ўғли, яна бир тарафи доктор Алексей Фёдорович Анисимов жаноб олий хон хазратларининг таклиф қилгонлариға мувофиқ одамнинг ичидаги касали ва кўз касалини ва жарроҳликға лозим бўлгон касалларни кесиб давои этмоқчи бўлиб ушбу тубанда баён бўлгон боблардаги шартларга мутасадди бўлиб шарт этилди.

Шартнома тўққиз бобдан иборат бўлиб, унда Анисимовнинг докторлик ишлари тўғрисида Хива ҳукуматининг талабига мувофиқ хизмат қилмоққа розилигини, Хива касалхонасида одамларни қараб даволашга ва касалхонадаги ҳамма ишларни қилиб покиза сақлашга, доимий мазкур касалхонада истиқомат қилиши тўғрисида яшаш шароити ва ойлик маоши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Шартномани тўққизинчи бобида: “Ушбу шартномани Хива ҳукумати ва ҳам доктор Анисимов қабул этиб икки тарафлари асло бузмай шунга қараб амал этса керак. Вазир ул акбар Сайид Ислон хўжа Иброҳим хўжа ўғли муҳрим босдим” деб ёзилган ва Вазир ул акбар Сайид Ислон хўжа Иброҳим хўжа ўғлини муҳри билан тасдиқланган.

Хива хонлиқининг бош амалдори Абду Салом Ислон хўжа ўғли билан Хива касалхонасини бош доктори аёл одам Гулсум Жаббаровна Асфандиёрова билан тузишган шартномасини аслидан копия.

Шартнома

1913 йили сентябрь ойининг 27 инчи куни ул аъзам император хазратларининг валиаҳди учуғ князь шаҳзода Алексей Николаевич исмига Хива қалъасида бино бўлган касалхонага хизмат қилмоқ учун жаноб олий хон хазратимизнинг амрлариға мувофиқ ушбу шартномани қилдик. Бир тарафи Хива ҳукуматининг амалдори Абду Салом хўжа Ислон хўжа ўғли яна бир тарафи аёл доктор одам Гулсум Жаббаровна Асфандиёрова жаноб олий хон хазратларининг таклиф қилганига мувофиқ одамларнинг хар турли касалини қорамоқ учун ушбу тубанда баён бўлган бобларни шарт этилди.

Биринчи боб. Мен Асфандиярова докторлик ишлари тўғрисида Хива ҳукуматининг талабига мувофиқ бутун мўтеъ бўлиб хизмат қилмоққа

қоилдурман.

Иккинчи боб. Мен Асфандиярова доимий мазкур касалхонада истиқомат этиб ҳар тириқа келиб кетган ва ҳам касалхонада ётган одамларнинг касалига қараб ва ҳам жааноби олийнинг сипоҳиларининг ва болаларининг оғир касалига Хива ҳукуматининг буйруғига мувофиқ мазкурларга давои этмоқ учун Хива қалъасилаги жойларга ва қалъанинг деворини чақирим чоҳор атрофидаги жойларига бориб қарамоққа мутасаддидурман.

Учинчи боб. Мен Асфандиярова ҳар бир сабаб билан хизматни қўядиган бўлсам Хива ҳукумати ўрнимга доктор топмоқнинг тараддудининг муҳлати учун тўрт ой бурун Хива ҳукуматига маълум этсам керак. Ва ҳам шу тариқада Хива ҳукумати менинг хизматимдан озод этиб жавоб берсалар бу ҳақда тўрт ой олдин менга маълум қилишлари керак.

Тўртинчи боб. Мен Асфандиярова ҳар йилда бир ой ўз ҳаражатим билан таътилга чиққан вақтимда ўрнимга илмли аёл фельдшер қўйиб кетишим керак.

Бешинчи боб. Аёл доктор Асфандиярова иш бошлаган куни ушбу 1913 йилнинг 20 августидан бошлаб ҳар йиллик хизмати учун тўрт минг манотни ҳар ойига уч юз ўттиз уч манот ўттиз уч тийиндин беришга ва мазкур тайинланган ишхонасидан бошқа яшамоқи учун уй-рўзғор буюмлари, жой, ўтин, от-араба ва арабачи, отга ем-хашак ҳаражатлари билан тайинлаш учун Хива ҳукумати масъулдир.

Олтинчи боб. Ушбу шартларни Хива ҳукумати ва аёл доктор Асфандиярова қабул қилиб ҳар иккала тараф ҳам асло бузмай шунга амал қилишлари керак. Шунини инобатга олиб Сайид Абду Салом хўжа Ислон хўжа ўғли муҳримни босдим [5]-деб ёзилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ю.Раҳмонова. Хива шаҳри тарихи(анъана ва ўзгаришлар, XIV аср – XX аср бошлари). -Т.;2019. 163-бет
2. <https://appassionata-lr.livejournal.com/749802.html>
3. Умид Бекмухаммад. «Килич эвазига шифохона»
<http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/121>
4. Комилжон Худайберганов. Хива дунёдаги энг кўхна қалъа. Тошкент-2012 йил. 277-280 бб
5. Болтаев А. Рукописные тетради. Тетрадь №35. Личный архив О.Абдуллаева